

Қуръон кишиларни залолатдан ҳидоятга бошлайди | Қуръони Карим дарслари (155-дарс)



19:00 / 02.06.2025 2059

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Биз туширган ушбу китоб муборакдир. Бас, унга эргашиглар. Ва тақво қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангизлар. «Биздан аввалги икки тоифагагина китоб туширилган, уларнинг дарсларидан ғофил эдик», демасликларингиз учун. Ёки «Агар бизга китоб туширилганда, албатта улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгирган кимсадан кўра золироқ ким бор?

Оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли тезда ёмон азоб ила жазолармиз», деган *(Анъом сураси, 155-157-оятлар)*.

Қуръони Карим кўплаб етук сифатларга мушарраф Китобдир. У дунёга ҳам, охиратга ҳам баракадир. Аллоҳ таоло ушбу оятларда Қуръони Каримнинг сифатларини ва уни нозил қилишдан мақсаднинг баъзи маъноларини баён қилади.

«Биз туширган ушбу китоб муборакдир».

Бу ҳақиқатни Қуръони Каримга боғланган ҳар бир мусулмон яхши билади. Агар дунёда яшашдан мақсад икки дунёнинг баракасига эришмоқ бўлса:

«Бас, унга эргашишлар».

Ундан ўзга эргашишга арзигулик нарса йўқ. Бошқалар баракасиз нарсалар. Уларга эргашганлар икки дунёда мақсадларига эриша олмайдилар. Қуръонга эргашиш билан бирга, тақво ҳам бўлиши зарур.

«Ва тақво қилишлар».

Чунки тақвосиз Қуръонга эргашишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Агар инсон Қуръонга тақво ила эргашса:

«Шоядки, раҳм қилинсангизлар».

Келгуси ояти карима бевосита аввалдан аҳли китоб бўлмаган одамларга қаратилган.

Ушбу оят ила уларнинг ҳеч бир узрлари қолмайди. Улар Исломга, Қуръонга амал қилмаслик учун бирон-бир баҳона топа олмайдилар. Улар баҳона қилишлари мумкин бўлган ҳар бир нарсага жавоб тайёр бўлди. Аллоҳ уларга:

«Биздан аввалги икки тоифагагина китоб туширилган, уларнинг дарсларидан ғофил эдик», демасликларингиз учун» Қуръонни туширдик», демоқда.

Яъни, Қуръони Карим нозил қилинмаганда, улар «Биздан аввалги икки тоифага – яҳудий ва насронийларга китоб (Таврот ва Инжил) туширилган, улар ўша китобни дарс қилиб ўқишган, улар бандалик қилсалар бўлади. Аммо бизга ҳеч қандай китоб тушгани йўқ, шунинг учун биз хоҳлаганимизни қилишга ҳаққимиз бор», дейишлари мумкин эди. Энди

айта олмайдилар. Чунки уларга Куръон тушди.

Куръон охирги шариатнинг китоби бўлгани учун фақат арабларга эмас, ҳамма халқларга илоҳий дастур бўлиб тушди. У ҳамма халқларнинг бўйин товлаш учун қиладиган баҳоналарини бекорга чиқарди.

«Агар бизга китоб туширилганда, албатта улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун».

Бу ҳам ўзларига алоҳида китоб тушмаганини баҳона қилиш, ҳатто бошқа аҳли китобларга таъна қилиш маъносини ўз ичига олади. Мана шу ва шунга ўхшаш баҳоналар билан ўзингизни олиб қочмаслигингиз учун:

«...батаҳқиқ, сизга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди».

Куръони Карим бутун борлиғи билан очиқ ҳужжатдир.

Куръони Карим Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ягона илоҳ ва Робблигига, ягона Розик ва Ҳокимлигига очиқ-ойдин ҳужжатдир.

Куръони Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига, ким у зотга эргашса, нажот топишига очиқ-ойдин ҳужжатдир.

Куръони Карим ўзининг ҳақиқий илоҳий дастур эканига, унга эргашганларга икки дунё саодати йўлини кўрсатишига очиқ-ойдин ҳужжатдир.

Куръони Карим Ислом динининг ҳақ дин бўлиб, барча замон ва маконга салоҳиятли эканига, қиёматгача боқийлигига, кишиларга икки дунё бахтини таъмин қилишига очиқ-ойдин гувоҳдир.

Куръони Карим инсонларга Роббиларидан келган ҳидоятдир. У кишиларни залолатдан ҳидоятга бошлайди.

Куръони Карим инсонларга Роббиларидан келган раҳматдир. Ҳам бу дунёда раҳматдир, ҳам у дунёда раҳматдир.

Ҳар бир инсон ушбу очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳматни нозил қилган Роббул Олабийнга чексиз шукрлар қилмоғи лозим. Аммо одамлар ичида шукр айтиш у ёқда турсин, куфр келтириб, мазкур оятларни ёлғонга чиқарадиганлар ва улардан юз ўгирадиганлар ҳам бор.

«Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгирган кимсадан кўра золимроқ ким бор?»

Албатта, очиқ ҳужжатдан юз ўгирган ва уни ёлғонга чиқарган ҳар қандай одам золим бўлади. Ўзига нисбатан ва ўзгаларга нисбатан зулм қилган бўлади. Чунки у ўша очиқ ҳужжатни ёлғон деб, бошқа ёлғон ҳужжатларни рост ҳужжат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади. Одамларни ҳам шу йўлга бошлайди.

Оқибатда ўзига ҳам, ўзгага ҳам зулм қилади, ҳалокатга учрайди. Бу ҳол оддий очиқ ҳужжатни ёлғонга чиқарган, ундан юз ўгирган одамнинг ҳолидир. Энди Аллоҳ таоло томонидан келган очиқ ҳужжатни ёлғонга чиқарган ва ундан юз ўгирганларнинг ҳоли нима бўлишини билиб олаверинг.

Шунингдек, оддий ҳидоятдан юз ўгирган одам аввало ўзига, қолаверса, ўзгаларга зулм қилган бўлади. Отасининг насиҳатига юрмаган фарзанд ўзига қанчалик зулм қилиши, одамлар орасида маломатларга қолиши ва ниҳоят оқибати нима бўлишини тасаввур қилса бўлади.

Энди Холиқининг, унга жон берган, ризқ берган, ҳидоятга йўллаган Роббул Оламийннинг насиҳати – ҳидоятга юрмаган одамнинг аҳволини шунга қиёс қилаверинг.

Агар бир одам иккинчисига раҳмат – раҳм-шафқат кўрсатса-ю, иккинчиси ундан юз ўгирса, барчанинг маломатига қолади, золимдан олиниб, золимга солинади. Энди шу ҳолни ўз Роббидан келган раҳматни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирган одамга таққослаб кўринг.

Аллоҳ таолодан келган Қуръони Каримни – очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат бўлмиш Китобни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирганлар ана шундай золимлардир. Дунёда улардан кўра золимроқ одам йўқ. Улар бу зулмлари эвазига тегишли жазо олишлари муқаррардир.

«Оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли тезда ёмон азоб ила жазолармиз».

Улар бундай жазога муносибдирлар. Улар нафсларидаги бузуқлик оқибатида куфр келтирганлар, оятларни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирганлар. Улар нимани кутмоқдалар? Нима учун иймон келтирмайдилар? Ёки кутиб турган бирон нарсалари борми?

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.